

Ўзбекистон Республикасида корхона ва ташкилотлар демографияси бўйича маълумотлар


2026 йил 1 январь ҳолатига кўра
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз маълумотлар асосида)

- I. Корхона ва ташкилотларнинг сони
- II. Тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича маълумотлар
- III. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона ва ташкилотлар тўғрисида маълумотлар
- IV. Корхона ва ташкилотлар демографиясига оид метамаълумотлар ва тушунчалар

I. Корхона ва ташкилотларнинг сони

2026 йил 1 январь ҳолатига кўра, республикада фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар сони **474,9** мингтани ташкил этди. Шундан **403,8** мингтаси ёки **85** фоизи кичик корхоналар ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди.

Фаолият юритаётган корхоналар ва ташкилотлар сони (бирликда)



1 январь ҳолатига

Йил	Корхона ва ташкилотлар	шундан:	
		тадбиркорлик субъектлари	кичик бизнес субъектлари
2026	474 899	407 850	403 767
2025	424 840	361 793	358 116
2024	485 024	420 772	417 080
2023	592 371	527 222	523 556
2022	528 929	465 889	462 834

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Рўйхатдан ўтган корхона ва ташкилотлар сони \(йиллик\)](#)
[Фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар сони \(йиллик\)](#)
[Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони \(йиллик\)](#)
[Янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари сони \(ойлик\)](#)
[Янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектлари сони \(ойлик\)](#)
[Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони \(ойлик\)](#)
[Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони \(иқтисодий фаолият турлари бўйича, ойлик\)](#)
[Рўйхатдан ўтган корхона ва ташкилотлар сони \(ойлик, деҳқон ва фермер хўжаликларисиз\)](#)

Худудлар бўйича фаолият юритаётган корхона ва ташкилотларнинг жамига нисбатан юқори улушини Тошкент шаҳри (**22,9** фоиз), Тошкент (**9,8** фоиз), Самарқанд (**8,7** фоиз), Фарғона (**8,0** фоиз) ва Қашқадарё (**6,4** фоиз) вилоятлари ташкил этади.

Худудлар	Корхона ва ташкилотлар	шундан:	
		тадбиркорлик субъектлари	шундан:
			кичик бизнес субъектлари
Қорақалпоғистон Респ.	23 747	19 704	19 606
Андижон вилояти	27 002	21 643	21 503
Бухоро вилояти	28 831	25 094	24 948
Жиззах вилояти	18 461	15 300	15 208
Қашқадарё вилояти	30 424	25 224	25 038
Навоий вилояти	20 982	18 498	18 400
Наманган вилояти	27 097	22 650	22 471
Самарқанд вилояти	41 091	34 722	34 495
Сурхондарё вилояти	25 065	20 841	20 753
Сирдарё вилояти	12 239	10 049	9 975
Тошкент вилояти	46 479	40 524	40 139
Фарғона вилояти	37 846	31 519	31 289
Хоразм вилояти	26 957	23 597	23 465
Тошкент шаҳри	108 678	98 485	96 477

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар сони \(ойлик\)](#)


[Фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари сони \(ойлик\)](#)

[Фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони \(ойлик\)](#)

Корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича маълумотлар

2026 йил 1 январь ҳолатига фаолият юритаётган корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича энг кўп қисми савдо тармоғида бўлиб, уларнинг жами корхоналар сонигадаги улуши **32,3** фоизни ташкил этди.

Корхона ва ташкилотлар жами сонига нисбатан улуши



Иккинчи ўринда саноат **12,5** фоизни, учинчи ўринда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги **7,4** фоизни ташкил этди.

Биргаликда ушбу уч турдаги фаолият корхоналар умумий сонининг **50** фоиздан ортиғини ташкил қилади.

Иқтисодий фаолият турлари	Корхона ва ташкилотлар	шундан:	
		тадбиркорлик субъектлари	шундан: кичик бизнес субъектлари
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	34 881	34 411	34 283
Саноат	59 520	59 350	58 543
Қурилиш	30 343	30 085	29 801
Савдо	153 370	153 348	152 570
Ташиш ва сақлаш	17 245	17 181	16 989
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	30 374	30 287	30 145
Ахборот ва алоқа	11 901	11 611	11 402
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	14 283	10 385	10 264
Бошқа турлар	122 982	61 192	59 770

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар сони \(иқтисодий фаолият турлари бўйича, ойлик\)](#)

[Фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари сони \(иқтисодий фаолият турлари бўйича, ойлик\)](#)

[Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони \(иқтисодий фаолият турлари бўйича, ойлик\)](#)

[ИФУТ бўйича фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари сони \(бўлим кесимида, ойлик\)](#)

[ИФУТ бўйича фаолият юритаётган корхоналар сони \(бўлим кесимида, йиллик\)](#)

[Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида янги ташкил қилинган корхона ва ташкилотлар сони \(ойлик\)](#)

[Саноат йўналишида янги ташкил қилинган корхона ва ташкилотлар сони \(ойлик\)](#)

[Қурилиш соҳасида янги ташкил қилинган корхоналар сони \(ойлик\)](#)

[Савдо соҳасида янги ташкил қилинган корхона ва ташкилотлар сони \(ойлик\)](#)

[Ташиш ва сақлаш хизматлари соҳасида янги ташкил қилинган корхона ва ташкилотлар сони \(ойлик\)](#)


[Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида янги ташкил қилинган корхона ва ташкилотлар сони \(ойлик\)](#)

[Ахборот ва алоқа соҳасида янги ташкил қилинган корхона ва ташкилотлар сони \(ойлик\)](#)

[Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида янги ташкил қилинган корхона ва ташкилотлар сони \(ойлик\)](#)

II. Тадбиркорлик субъектларининг ташкилий ҳуқуқий шакли бўйича маълумотлар

Тадбиркорлик субъектлари



2026 йил 1 январь ҳолатига кўра, фаолият юритаётган **407,9** мингта тижорат ташкилотидан **320,9** мингтаси (**78,7** фоиз) масъулияти чекланган жамиятлар ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб, МЧЖлар мамлакатимизда бизнес юритишнинг энг кенг тарқалган шакли деган хулоса қилиш мумкин.

Ташкилий-ҳуқуқий шакли	Тадбиркорлик субъектлари сони (бирликда)	Тадбиркорлик субъектларининг жамига нисбатан улуши (% да)
Масъулияти чекланган жамият	320 870	78,7
Хусусий корхоналар	46 866	11,5
Оилавий корхоналар	36 158	8,8
Акциядорлик жамияти	636	0,2
Бошқалар	3 320	0,8

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Фаолият юритаётган масъулияти чекланган жамият сони \(ойлик\)](#)

[Фаолият юритаётган хусусий корхоналар сони \(иқтисодий фаолият турлари бўйича, ойлик\)](#)

[Фаолият юритаётган оилавий корхоналар сони \(иқтисодий фаолият турлари бўйича, ойлик\)](#)

[Янги ташкил этилган хусусий корхоналар сони \(ойлик\)](#)

[Янги ташкил этилган масъулияти чекланган жамият сони \(ойлик\)](#)

[Янги ташкил этилган оилавий корхоналар сони \(ойлик\)](#)

III. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона ва ташкилотлар тўғрисида маълумотлар

Худудлар	Жами:	шундан:	
		қўшма корхона	хорижий корхона
Ўзбекистон Республикаси	18 164	4 247	13 917
Қорақалпоғистон Респ.	219	77	142
вилоятлар:			
Андижон вилояти	420	127	293
Бухоро вилояти	372	127	245
Жиззах вилояти	258	107	151
Қашқадарё вилояти	163	81	82
Навоий вилояти	310	111	199
Наманган вилояти	262	100	162
Самарқанд вилояти	678	262	416
Сурхондарё вилояти	500	63	437
Сирдарё вилояти	290	94	196
Тошкент вилояти	2 402	495	1 907
Фарғона вилояти	615	224	391
Хоразм вилояти	198	68	130
Тошкент шаҳри	11 477	2 311	9 166


2026 йил 1 январь ҳолатига хорижий инвестициялар иштирокидаги фаолият юритаётган **18 164** та корхонадан **4 247** таси қўшма корхоналар ва **13 917** таси хорижий корхоналар ҳиссасига тўғри келди.

Худудлар кесимида хорижий инвестициялар иштирокидаги фаолият юритаётган корхоналарнинг жами сонига нисбатан энг катта улуши Тошкент шаҳрига **63,2** фоиз,

вилоятлар орасида эса Тошкент – 13,2 фоиз, Самарқанд – 3,7 фоиз ва Фарғонада – 3,4 фоизга тўғри келади.

Ўзбекистонда охириги беш йилда хорижий инвестициялар иштирокидаги фаолият юритаётган корхоналарнинг умумий сони 1,9 баробарга, шу билан бирга хорижий корхоналарнинг улуши (жамига нисбатан) 54,9 фоиздан 76,6 фоизгача ошган.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона ва ташкилотлар



2026 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, хорижий инвестициялар иштирокида фаолият юритаётган корхоналарнинг сони, 2025 йилнинг мос даврига нисбатан 3 293 тага (22,1 %) ўсган. Бу асосан, савдо соҳасидаги корхоналар сонининг 5 332 тадан 6 494 тага, (ўсиш 1 162 тага), саноат соҳасида 3 217 тадан 3 754 тага (ўсиш 537 тага) ва қурилиш соҳасида 1 085 тадан 1 412 тага (ўсиш 327 тага) кўпайиши билан боғлиқ.

Иқтисодий фаолият турлари	Жами:	шундан:	
		қўшма корхона	хорижий корхона
Жами:	18 164	4 247	13 917
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	461	197	264
Саноат	3 754	1 443	2 311
Қурилиш	1 412	283	1 129
Савдо	6 494	1 032	5 462
Ташиш ва сақлаш	586	129	457
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	760	155	605
Ахборот ва алоқа	1 398	191	1 207
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	211	80	131
Бошқа турлар	3 088	737	2 351

Мавзуга доир кўрсаткичлар:

[Хорижий капитал иштирокидаги фаолият юритаётган корхоналар сони \(ойлик\)](#)

[Хорижий капитал иштирокидаги фаолият юритаётган корхоналар сони \(иқтисодий фаолият турлари бўйича, ойлик\)](#)

[Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони \(ойлик\)](#)

Айрим давлатлар кесимида фаолият юритаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона ва ташкилотлар тўғрисида маълумотлар

2026 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, республикада фаолият юритаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона ва ташкилотлар таҳлил қилинганда, етакчи ўринни 5 044 та корхона билан Хитой Халқ Республикаси эгаллади. Бу республикадаги хорижий инвестициялар иштирокидаги фаолият юритаётган корхоналар умумий сонининг 27,8 фоизини ташкил этди. Ўзбекистон иқтисодиётига ўз капиталини киритиб, ҳиссасини

қўшаётган мамлакатлар орасида Россия (17,5 фоиз), Туркия (11,8 фоиз), Қозоғистон (6,7 фоиз), Жанубий Корея (3,8 фоиз) ва Афғонистон (3,5 фоиз) ҳам алоҳида ўрин эгаллайди.

Давлатлар	Жами:	шундан:	
		қўшма корхона	хорижий корхона
Хитой	5 044	748	4 296
Россия	3 181	896	2 285
Туркия	2 137	496	1 641
Қозоғистон	1 212	274	938
Жанубий Корея	693	184	509
Афғонистон	635	73	562
БАА	414	141	273
Тожикистон	389	99	290
Ҳиндистон	375	86	289
Озарбайжон	367	63	304
Қирғизистон	344	87	257
АҚШ	340	145	197
Туркманистон	270	52	218
Буюк Британия	247	119	128
Беларусь	242	57	185
Эрон	228	73	155
Германия	225	106	119
Покистон	208	18	190
Украина	196	53	143
Япония	126	29	97

IV. Корхона ва ташкилотлар демографиясига оид метамаълумотлар ва тушунчалар

✓ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 28 сентябрдаги “Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрини юритиш ва унинг асосида давлат хизматини кўрсатишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 539-сон қарорига мувофиқ Корхона ва ташкилотларнинг маълумотлари статистик таснифлагичлар асосида шакллантирилади.

✓ Корхона ва ташкилотларнинг Ягона давлат регистри – реал вақт режимида янгилаб бориладиган маълумотлардан иборат бўлган ахборот-маълумотнома тусидаги автоматлаштирилган тизим ҳисобланиб, ягона классификациялар тизими асосида корхона ва ташкилотларнинг давлат ҳисобини ва уларни идентификация жараёнини таъминлайди.

✓ Корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрига оид рўйхатини ушбу ҳавола <https://my.gov.uz/uz/service/662> орқали ҳам олиш имкони мавжуд.

✓ Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Давлат хизматлари маркази маълумотлар базаси асосида **2026 йил 1 январь** ҳолатига кўра, (фермер ва деҳқон хўжаликлари маълумотларисиз) шакллантирилди.

Метамаълумот учун ҳаволалар:

[Метамаълумот Корхона ва ташкилотлар сони](#)

[Глоссарий](#)

[Статистик классификациялар](#)

Тайёрлаш учун масъул:

Рақамли технологиялар, сунъий интеллект
ва статистик регистрларни юритиш бошқармаси
Тел.: +99871-203-80-00 (1360)

Манзил:

100170, Тошкент ш.,
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63
Почта: info@stat.uz

